

## **ХОРАЗМ-ХИТОЙ САВДО ЙЎЛЛАРИ ТАРИХИДАН**



10.24412/2181-1784-2021-1-567-571

**Саидов Шавкат Жумабаевич**

Тошкент давлат шарқшунослик университети Марказий Осиё халқлари  
тариҳи ва этнологияси  
кафедраси доценти, т.ф.н

**Аннотация.** Мазкур мақола кейинги икки минг йил давомида Хитой ва Марказий Осиё халқлари ўртасида мавжуд бўлган савдо йўллари тарихига бағишиланган. Тарихий ҳужжатларнинг далолатича Хоразм ва Хитой ўртасида савдо йўллари эрамиздан аввалги II асрдан –XIX асргача амал қилган.

**Калим сўзлар:** Хоразм, Хитой, Марказий Осиё, савдо, савдо йўллари, У-Ди, Чжань-Цзянь, Турфан, Помир.

**Annotation.** This article is devoted to the coverage of the history of trade roads existing between China and the peoples of Central Asia, including with Khorezm. Historical facts prove that Khorezm and China in the last two thousand years, from the 2nd century until the 19th century AD, maintained trade relations that extended across the territory of Central Asia.

**Keywords:** Khorezm, China, Central Asia, trade, trade routes, U-Di, Zhan-Jian, Turpan, Pamir.

Марказий Осиё ва унинг таркибий қисми ҳисобланган Хоразм ўлкаси тарихий - маданий ва географик минтақа сифатида жаҳон цивилизациясининг қадимий учоқларидан ҳисобланади. Фарб ва Шарқни боғловчи қулай, тарихий-географик ҳудуд бўлганлиги боис, энг қадимги даврлардан савдо йўлларининг асосий йўналишлари шу ердан ўтган. Археологик маълумотларга қўра эрамиздан аввалги 3-2 минг йилликларда, бронза даврига келиб инсоният тарихида юз берган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар натижасида турли минтақада яшовчи халқлар ўртасида савдо-сотиқ ва маданий алоқалар изчил ривожлана бошлаган. Бунга энг аввало, кишилик жамияти ривожига жуда кучли таъсир кўрсатган технологик ютуқлардан бири ғилдарак ва араванинг кашф этилиш сабаб бўлган. Шунингдек, жамият миқёсида рўй берган ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида дехқончиликдан чорвадор қабилаларнинг ажralиб чиқиши қабилалар ва халқлар ўртасида маҳсулот айрибошлиш, савдо-сотиқ алоқаларининг янада ривожланишига олиб келди.

Айнан шу омиллар қадимги Шарқ халқарини боғлаб турадиган энг қадимги савдо йўлларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Эрамиздан аввалги 3-2 минг йиллардан “Лазирут йўли”, Аҳмонийлар имерияси давридаги “Шоҳ йўли”, эрамиздан аввалги II асрлардан милодий XVI асргача мавжуд бўлган, Хитойдан бошланиб, Ўрта Осиё орқали ўтиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаган “Буюк ипак йўли” каби трансмагистрал савдо йўллари дунё халқарининг иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган, мамлакатлар ўртасида нафақат савдо алоқалари, балки, дипломатик муносабатлар ривожланишига хизмат қилган.

Маълумки, эрамиздан аввалги II асрда Хитой марказлашган қудратли давлатга айланади. Аммо, шимолий ҳудудларда яшаган кўчманчи халқарининг асрлар давомидаги босқинлари Хитой халқининг ҳаётига, хафвсизлигига доим таҳдид солиб турган. Айниқса, хун қабилаларининг ҳужумлари катта вайронагарчиликларни келтириб чиқарган. Кўчманчиларнинг ҳужумларига чек қўйиш ёки тўсиқ бўлиш учун ҳам хитойликлар Буюк хитой деворини қуришган эди. Шунингдек, Ханъ сулоласининг вакилларидан бўлган, эрамиздан аввал 140-87 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган император У-Ди ташабbusи билан кўчманчиларга қарши иттифоқчилар топиш мақсадида “Ғарбий ўлкалар”га Чжан Цянь бошчилигига элчилар жўнатилган. Чжан Цянь эрамиздан аввалги 138-126 йилларда Қошғар, Еттисув орқали Фарғона ўлкасига ташриф буоради. Натижада, дунё халқлари тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлган, жаҳон цивилизацияси тараққиётига ўлкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида илк бора Ғарб ва Шарқ халқарини иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларини янги босқичга кўтарган Буюк ипак йўлига асос солиган.

Мамлакатлараро иқтисодий ва савдо алоқаларида савдо йўлларининг аҳамияти жуда юқори бўлган. Зеро, карvon йўллари иқтисодий алоқаларининг қон томирлари ҳисобланган. Шу жиҳатдан қараганда мамлакатлар, халқларни ўзаро боғлаб турган савдо йўллари йўналишлари ва географиясини ўрганиш тарих фани олида турган энг муҳим долзарб муаммолардан биридир.

Сарик денгизи қирғоқларидан бошланган Буюк ипак йўлининг йирик тармоғи - Ўрта Осиё орқали, жумладан, Хоразм минтқасидан ўтиб, жанубий ва жанубий-ғарбий Осиё ҳудудларидан Ўрта ер дengизига, ундан Ғарбий Европагача борган бўлса, иккинчи йўналиши – Хоразм ва Қозогистон чўлларидан ўтиб, Россия ва Шарқий Европани Хитой билан боғлаган. Евроосиё материгини қамраб олган ушбу трансмагистраль йўлнинг узунлиги

12800 км ташкил этган<sup>1</sup>. Хитой хукмдорларининг “Фарбий ўлкалар” билан ҳарбий-сиёсий ва савдо алоқалар олиб боришлиарида интилишларининг натижаси сифатида вужудга келган мазкур йўл қадимги даврлардан Осмоности\* юртини Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатлар, хусусан, Парфия, Ҳиндистон ва Рим империяси билан изчил алоқаларнинг бошланишига олиб келган<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё халқларининг Хитой билан савдо алоқаларида Фарғона минтақаси асосий транзит йўл вазифасини бажарган. Чунки, Буюк ипак йўлиниң Хитойдан Ўрта Осиёга келувчи йўналишларида дастлабки ҳудуд сифатида Фарғона водийси муҳим ўрин тутган<sup>3</sup>. Бу даврда Хитойнинг Фарғона ўлкасига нисбатан бундай қизиқишини “Фарбий ўлкалар дарвозаси” сифатида жойлашган геостратегик ва жуғрофий жойлашуви билан изоҳлаш мумкин.

Ўрта Осиё халқларини Хитой билан боғловчи савдо йўллари баъзи маълумотларга кўра эрамиздан аввалги бир минг йиллик ўрталарида вужудга келган бўлиб, минтақамизнинг энг жанубий сарҳадларидан Хитойга бевосита қўшни бўлган Помир тоғлари орқали ўтган<sup>4</sup>. Хитой пойтахтидан чиққан савдо карvonлари Турфон\* воҳаси ва Помир тоғ довонлари орқали Бақтрияга ва ундан Ҳиндистонга, Парфиягача борган<sup>5</sup>. Шуни қайд этиш керакки Хитойдан Шарққа йўл олган барча савдо карvonлари, мамлакатнинг энг фарбий чегара шахри сифатида эътироф этиладиган Дунъхуань шаҳридан ўтган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича шу ерга келганда Буюк ипак йўли уч тармоққа бўлинган Хитойдан Ўрта ер денгизигача етиб борган<sup>6</sup>:

- Шимолий йуналиш:** Хами — Борқўл — Иссик кўл — Жанубий Козоғистон — Шимолий Кавказ — Византия — Ўрта Ер денгизи.
- Марказий йуналиш:** Турфон — Қорашибар — Кучу — Помир тоғ довони — Уструшона — Самарканд — Бухоро — Марв — Эрон — Ўрта Ер денгизи.

\*Осмоности юрти”(ёки мамлакати) - тарихий- дипломатик манбаларда Хитойга наслбатан қўлланиладиган мажозий ном(муаллиф).

\*Турфон- Хитойнинг шимолий-фарбий қисмида, ўтмишда Шарқий Туркистон номи билан аталган, ҳозирда Синьцзян-Уйғур муҳтор вилоятида жойлашган, қадимда ва ўрта асрларда машҳур бўлган ўлка, маркази шу ном билан аталгани боис воҳа ҳам шундай номланган(муаллиф)

**3. Жанубий йуналиш:** Дунъхуан — Лобнор кули — Так-ламакон сахроси —  
Воҳон коридори — Тоҳаристон — Эрон — Ўрта Ер денгизи<sup>7</sup>.

Ушбу йўналишлар тарнсмагистраль савдо йўллари бўлиб, асрлар давомида  
Евроосиё минтақасида руй берган сиёсий ўзгаришлар, жараёнлар таъсирида ўз  
йўналишини ўзгаририб турган. Аммо, ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Хоразмлик савдогарлар ҳам турли даврларда Шарқий ўлкалар, жумладан Хитой  
 билан савдо алоқаларида ушбу йўналишлардан унумли фойдаланилган.  
Хоразмдан чиққан савдо карвонлари Амударё орқали, ёки унинг ўнг ва чап  
соҳиллари бўйлаб ўтган савдо йўлларидан Чоржўй - Бухоро - Самарқанд  
шаҳарлар орқали Тошкентга етиб келишган. Хоразмдан Тошкент  
шаҳаригача савдо йўли минг верстдан иборат бўлган<sup>8</sup>. Савдо карвонлари  
Тошкентдан иккига бўлинган: 1. **Шимолий йўл** - Тошкент-Еттисув - Таяньшанъ  
тоғ довонлар орқали Муғулистангача ва ундан Хитойга, ёки Шарқий  
Туркистонгача етиб боришган. 2. **Жанубий йўл** - Тошкент-Фарғона водийси –  
Қашғар орқали Хитойгача ва ҳатто Тибетгача боришганлиги ҳақида  
маълумотлар бор<sup>9</sup>.

Хоразмлик савдогарлар Хитойга борища Афғонистон ҳудудларидан ҳам  
фойдаланишган. Афғонистон ҳудуди, шунингдек, Туркистон халқларининг,  
жумладан, Хива хонлигининг Хитой билан садо алоқаларида транзит савдо  
йўли вазифасини ҳам бажарган. Ушбу мамлакатлардан, Ўрта Осиё, жумладан,  
Хивага, Афғонистон орқали қоғоз, ипак, жун маҳсулотлари, шойи ва парча, зар  
иплар, тери маҳсулотлари, қора мурч, кашмир матолари, зираворлар, хитой ва  
япон чинни буюмлари олиб келинган. Хоразмлик савдогарлар, Афғонистон  
худудидан, Хитойнинг Гулжа, Қашғар, Ёркент каби шаҳарларига, шунингдек,  
Хитойнинг тоғли, ички ҳудудлари ҳисобланган Катта ва Кичик Тибет  
туманларигача кириб бориб маҳаллий савдогарлар билан савдо алоқаларини  
амалга оширганлар<sup>10</sup>.

Ўрга Осиёнинг, жумладан, Хоразмнинг ташқи садо алоқаларида Амударёнинг  
алоҳида ўрни бўлган. Савдогарлар Хоразмдан Термизгача бўлган масофани сув  
оқими бўйлаб кемалар билан 10 кундан ортиқроқ вақт давомида босиб  
үтишган<sup>11</sup>. Термиз орқали Афғонистон, Хитой ва Ҳиндистон бозорларига  
чиқишиган.

<sup>7</sup> Мавланов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги савдо йўллари.”Akademiya, Тошкент-2008.-Б.141.

<sup>8</sup> Материалы по вопросу о торговых путях въ Среднюю Азию. С.Петербург.:1869. – С. 40.

<sup>9</sup> Ўша жойда

Шундай қилиб, Марказий Осиё минтақасида энг қадимги даврлардан Шарқ ва Ғарб боғлаб турувчи савдо йўллари амал қилиб келган. Мазкур савдо йўллари асрлар давмида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зоро, савдо йўллари барча даврларда мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги сиёсий –дипломатик, маданий алоқаларида муҳим роль ўйнаб келган. Марказий Осиёни, жумладан, Хоразмни Хитой билан боғлаган карvon йўллари мамлакатлар, халқлар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилган.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Воевода Е. По пути евроазийских караванов: проблемы сотрудничества и межкультурной коммуникации.эл.ресурс..<https://mgimo.ru>.
2. Мавланов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги савдо йўллари.”Akademiya,Тошкент-2008.-Б.112.
3. Мавлонов Ў.-Б.116.
4. Марказий Осиёнинг қадимги савдо йўллари.”Akademiya,Тошкент-2008.-Б.116.
5. Ўша жойда.Б.117
6. Мавланов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги савдо йўллари.”Akademiya,Тошкент-2008.-Б.141.
7. Мавланов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги савдо йўллари.”Akademiya,Тошкент-2008.-Б.141.
8. Материалы по вопросу о торговых путях въ Среднюю Азию. С.Петербург.:1869. – С. 40.
9. Ўша жойда
10. Материалы по вопросу о торговых путях въ Среднюю Азию. – С.Петербург.:1869. – С.160
11. Садиков А. Экономические связи Хивы с Россией, во второй половине XIX-начале XX вв. Т.:1965. – С.77.